

## **Оилавий ҳаёт**

Пайғамбар хонадонидаги  
намуналар

Муаллиф:

Холид ибн Абдурәхмон

Таржимон:

Неъматжон Адҳамжон ўғли

Бисмиллаҳир Роҳманир Роҳийм

### **СЎЗ БОШИ**

Аллоҳ таъолога ҳамду санолар, Пайғамбаримиз Мұхаммад саллороҳу алайҳи ва салламга, хонадонларига ва асҳобларига ҳамда қиёматгача уларга чиройли суратда эргашганларга Аллоҳнинг салоту саломлари бўлсин.

Биродаримиз Холид ибн Абдурәхмон Шаййънинг «Оилавий ҳаёт» деб номланган китобини эр-хотинлик мавзусида жуда фойдали ва нозик дид билан ёзилган деб ўйлайман.

Бу китобда Росулуллоҳ саллороҳу алайҳи ва саллам ҳидоятларидан узоқ бўлиш ҳамда хотинлар билан муомала қилишни билмаслик оқибатида вужудга келадиган муаммолар хусусида сўз боради. Шунингдек, Набий саллороҳу алайҳи ва салламнинг аёллари ва қизлари билан қилган муомалалари, аёллар тарафидан содир бўлаётган номаъқул ҳатти ҳаракатлар, никоҳ тўйлари, аёллар каби маросимларни шариатга мувофиқ хурсандчилик билан ўtkазиш лозимлиги, аёллар

тарбиясига қаттиқ эътибор бериш, қизларнинг отаси устидаги ҳаққи, кўпхотинлик ҳамда уларни орасида адолат, тақсимот ишлари ва эр хотин ўртасида содир бўлган қийинчиликларни қандай бартараф этиш хусусида сўз боради.

Дарҳақиқат, бу рисола Росулуллоҳ саллогоҳу алайҳи ва саллам ҳаётидан ёрқин суратни бизларга тақдим қиласди-ки, бу билан кўп ҳонадондаги оиласлар ҳаёти мустаҳкамланади.

Пайғамбаримиз Муҳаммад саллогоҳу алайҳи ва салламга Аллоҳнинг саловот ва саломлари бўлсин.

**Солиҳ ибн Фоним Ас-Садлан.**

### **Тириклиқда ҳам вафот этгандан кейин ҳам**

#### **эр-хотинлик ҳақларига риоя қилиш**

Оиша розиёллоҳу анҳодан: «*Мен Набий саллогоҳу алайҳи ва саллам аёллари ичидা Ҳадиҷа розиёллоҳу анҳога -гарчи у кишини кўрмаган бўлсам ҳам- раиш қилганимчалик биронтасига раиш қилмаганман. Чунки Набий саллогоҳу алайҳи ва саллам уни кўп эслардилар. Агар қўй сўйсалар, уни бўлакларга бўлар, сўнг Ҳадиҷанинг дугоналарига ҳам жўнатар эдилар.*

*Бир куни мен Росулуллоҳ саллогоҳу алайҳи ва салламга “Гўё дунёда Ҳадиҷадан бўлак аёл йўқдай!”- деган эдим, Росулуллоҳ саллогоҳу алайҳи ва саллам: «Ха, (дунёда) Ҳадиҷадек аёл бўлмаган! У жуда ажойиб эди. Ундан фарзандларим ҳам бор»,- дедилар.<sup>1</sup>*

### **Ҳадисдан олинган сабоқлар**

---

<sup>1</sup> Бухорий ривояти.

1) Ҳадисда Набий саллолоҳу алайҳи ва салламнинг олийжаноб хислатлари, гўзал сифатлари, ҳалимлиги ва аёлларига нисбатан -вафот этиб кетган бўлса ҳаммуҳаббати ҳамда ўша аёлидан кўрган яҳшиликларини унутмаганлиги зикр қилинган.

2) Ҳадисда Ҳадича розиёллоҳу анҳонинг фазли ва у муҳтараманинг Набий саллолоҳу алайҳи ва салламга қанчалик азиз ҳам суюкли бўлганликлари баён этилган.

3) Киши аёлининг қадр-қиммматини тириклигida ҳам вафот этгандан кейин ҳам унутмаслиги лозим.

Росулуллоҳ саллолоҳу алайҳи ва салламдедилар: «*Сизларнинг энг яхшингиз ўз оиласига яхши муюмалада бўлганганингиздир. Мен эса сизларнинг орангиздаги ўз оиласига энг яхши муюмала қилгувчи кишиман.*<sup>1</sup>

4) Рашкнинг<sup>2</sup> эр-хотин орасида мавжудлигига исбот бор. Рашк энг фозила аёллардан ҳам содир бўлиши мумкин.

Ином Табарий айтади:

«*Рашк аёллар табиатида бўлгани учун рашик қилиши мумкин, лекин Аллоҳ ва Росули ҳаром қилган нарсаларга ўтиб кетмаслиги лозим».*

5) Яхши кўрган кишингизнинг яхши кўрганларини ҳам яхши кўринг.

6) Айрим кишилар иккинчи хотинга уйлангандан кейин, аввалги хотинининг яҳшиликларини эсдан чиқарадилар. Бу хато, албатта.

---

<sup>1</sup> Саҳиҳ ҳадис.

<sup>2</sup> Рашк бир кишига тегишли бўлган нарсада бошқа бирорнинг шерик бўлиши натижасида қалб ҳаяжонланишидан олинган. Бу кўпроқ эр-хотинлар ўртасида бўлади.

7) Аёл ўзининг юриш туриши ва чиройли муомалалари билан эрининг мухаббатини қозониши лозим. Зеро, яхши хотин эрига ҳаёт қувончинитақдим этиб, гўзал муҳит яратиб беради. Яхши аёл оилани боғу бўйстонга, ёмон аёл эса чўл-биёбонга айлантиради.

## **Аёллар билан мулойим муомала қилиб, улар мухаббатини қозонмоқ лозим**

Оиша розиёллоҳу анҳодан: «*Ҳабаш найзабоз ўйинчи болалар масжидга ўйин кўрсатиб кириб келишиди. Росулуллоҳ саллолоҳу алайҳи ва саллам «Эй Ҳумайро<sup>1</sup> уларни томоша қилишини хоҳлайсизми дедилар. Мен: «Ҳа» дедим. Росулуллоҳ саллолоҳу алайҳи ва саллам эшик ёнида турдилар, мен эса ёнларига келдим-да иягимни муборак елкаларига қўйдим ва яногимни янокларига текказдим. Ҳабашлар ўйин кўрсатиб: «Абул қосим жуда яхшидир», - дейишарди. Росулуллоҳ саллолоҳу алайҳи ва саллам «Етар энди» дедилар. Мен: «Ё Rossiulloҳ шошманг» дедим. Росулуллоҳ саллолоҳу алайҳи ва саллам бироз турдилар. Сўнг яна «Етар, энди» дедилар. Мен яна «Ё Rossiulloҳ, шошманг» дедим. Ҳабашларни томоша қилишини хоҳламас эдим, лекин мен аёлларга Росулуллоҳнинг мен учун турганликлари ва мени қадрлашлари аёлларга етиб боришини хоҳлардим.<sup>2</sup>*

## **Ҳадисдан олинган сабоқлар**

---

<sup>1</sup> Ҳумайро - Ҳижозликларнинг тилида қизил сочлиларга айтилади, бу ўринда эркалаш маъносини билдиради.

<sup>2</sup> Насойи ривояти.

1) Бу ҳадисда аёларга мулойим муюмала қилиб, улар муҳаббатини қозониш баён қилинган.

2) Ҳайит кунлари оиласа ҳар хил бадан роҳатланадиган, Аллоҳ таъоло ҳалол қилган берган нарсаларга шароит яратиб бериш шариат руҳсат этган амаллардан эканлиги баён қилинади. Чунки ҳадисда зикр қилинган воқеа ҳайит кунида бўлган эди.

3) Ҳайит кунлари ҳурсандчиликни зоҳир қилиш- дин ибодатларидан саналади.

4) Росулуллоҳ саллогоҳу алайҳи ва салламнинг ўз аҳли аёлларига ва бошқаларга қилган яхшиликлари, чиройли хулқлари, меҳрибончиликларини ҳар-бир эркак ўзида мужассам қилиши лозимлиги баён қилинган.

5) Оиша розиёллоҳу анҳони Набий саллогоҳу алайҳи ва саллам қанчалик яхши кўришлари баён қилинган. Шунинг учун ҳам Росулуллоҳ саллогоҳу алайҳи ва салламдан «Одамлар орасида энг яхши кўрган кишиниз ким?»- деб сўраганларида «*Оиша*» деганлар.<sup>1</sup>

6) Ҳар кимни ўзи яхши кўрган исм билан чақириш ҳам лутфга киради. Росулуллоҳ саллогоҳу алайҳи ва саллам Оиша розиёллоҳу анҳони «*Эй Ҳумайро*», яъни «*Оппокқина*» деб чақиряптилар. Баъзан: «*Эй Оиш, Жаброил сизга салом йўллаяпти*»,<sup>2</sup> деб оҳирги ҳарфини тушириб айтганлар.

## **Оилавий ҳаётда баъзи хатолардан кўз юмиш**

Умму Салама розиёллоҳу анҳодан: «*Бир кун Росулуллоҳ саллогоҳу алайҳи ва саллам асҳоблари билан*

---

<sup>1</sup> Бухорий ва Муслим ривояти.

<sup>2</sup> Муттафакун алайҳ.

*Оиша розиёллоху анҳонинг уйида ўтирган эдилар. Умму Салама онамиз бир идишда таом олиб келдилар. Шунда Оиша розиёллоху анҳо қўлида бир кичкина тоши билан келди-да у билан идишини уриб синдириди. Шунда Росууллоҳ саллолоҳу алайҳи ва саллам иккала бўлинган идишини бирлаштириб саҳобаларга: «Олинглар! Еяверинглар, онангиз рашик қилди» дедилар икки марта. Оиша онамизнинг идишларини Умму Салама онамизга бердилар, синган идишини Оиша розиёллоху анҳога бердилар».<sup>1</sup>*

### **Хадисдан олинган сабоқлар**

- 1) Хадисда Росууллоҳ саллолоҳу алайҳи ва салламнинг гўзал хулқлари ва ҳалимлиги баён қилинган.
- 2) Росууллоҳ саллолоҳу алайҳи ва салламнинг ҳалимлигига қаранг! Оиша розиёллоху анҳодан содир бўлган хатони маломат қилмасдан, аёлларнинг рашикчи эканлигини билганлари учун **«Онанглар рашик қилди»**, - деб маъзур тутяптилар.
- 3) Оиша розиёллоху анҳонинг идишини синдирганлигига Росууллоҳ саллолоҳу алайҳи ва саллам индамадилар. Чунки Умму Салама розиёллоху анҳо Оиша розиёллоху анҳонинг уйида ўтирган Росууллоҳ ва асҳобларига таом чиқариш билан, Оиша розиёллоху анҳонинг рашикига сабабчи бўлган эди. Шунинг учун ҳам Росууллоҳ саллолоҳу алайҳи ва саллам идишини тўлатиш билангина чекландилар. Таомни эса тўлатмадилар, чунки бу таом ҳадя эди. Баъзи

---

<sup>1</sup> Бухорий ва Насойӣ ривояти.

ривоятда «*Идиига идиши, таомга таом*» деб таомни ҳам түлгатганлар.

4) Мана бундай ҳикмат ва ҳалимлик оила ҳаётидаги түсиқлардан бешикаст ўтишга имкон беради. Кўп хотинли кишилар Набий саллогоҳу алайҳи ва салламдан ўрнак олиб, аёллариға нисбатан ҳамиша ҳикмат ва ҳалимлик мақомида туриб, барча ҳолатларда адолат билан иш тутсинглар. Ана шунда ҳеч кимга зарар етмайди. Аёлларининг факат биттасига мойил бўлиб, қолганларини ташлаб қўйган киши қўйидаги таҳдидни ёдида тутсин.

*«Кимнинг икки хотини бўлиб, уларнинг бирига мойил бўлиб қолса қиёмат қуни бир тарафга моил бўлиб (эгилган) ҳолда келади».*<sup>1</sup>

### Эр-хотин орасидаги туйғуларга эътибор

Оиша розиёллоҳу анҳодан: «*Росулуллоҳ саллогоҳу алайҳи ва саллам менга: «Мен сизнинг рози бўлганингизни ҳам, жаҳлингих чиққанини ҳам биламан»,- дедилар. «қаердан биласиз?»- деб сўрадим.*

- Агар мендан рози бўлсангиз «*Йўқ Мухаммаднинг роббисига қасамки»* - деб гап бошлийсиз, агар мендан газаблансангиз «*Йўқ Иброҳимнинг роббисига қасамки»* - деб гап бошлийсиз дедилар.

- Аллоҳга қасамки тўғри айтдингиз, факат исмингизни алмаштираман ҳолос», - дедим.<sup>2</sup>

### Ҳадисдан олинган сабоқлар

---

<sup>1</sup> Абу Довуд, Термизий ва Насойи ривояти.

<sup>2</sup> Бухорий ривояти.

Агар эр-хотин бир бирини диққат билан кузатса, қачон ғазабланиши-ю қачон рози бўлишларини билиб оладилар. Биз бу ҳадисда Росууллоҳ саллолоҳу алайҳи ва саллам Оиша розиёллоҳу анҳонинг ҳис-туйғуларини, биргина қасамининг ўзиданоқ билиб олганларини мулоҳаза қиласиз.

2) Гоҳо эр-хотин ўртасида келишмовчиликлар бўлиб туради. Бундай ҳолларда бир-биридан аразлашиш орага совуқлик тушишига сабаб бўлмаслиги керак. Шариъат рухсат берган насиҳат қилиш каби чораларни кўллаш керак. Агар насиҳат кор қилмаса унда эр тўшагини бўлак қилиши мумкин.

3) Оиша розиёллоҳу анҳонинг Росууллоҳ саллолоҳу алайҳи ва салламга қилган ғазаби кечирилди. Аслида, ҳеч кимнинг Росууллоҳ саллолоҳу алайҳи ва салламга ғазаб қилиши жоиз эмас. Оиша розиёллоҳу анҳонинг ғазабига рашк туртки бўларди. Рашк эса муҳаббатга далолат қиласи. Шунинг учун ҳам Оиша розиёллоҳу анҳо ғазабланганда ҳам, қасам ичганда ҳам «Иброҳимнинг раббисига қасамки», деб чегарадан ўтиб кетгани йўқ. Зоро, Росууллоҳ саллолоҳу алайҳи ва саллам қасамга қўшиб айтилишда инсонларнинг энг муносибидир. Оиша розиёллоҳу анҳо Росууллоҳ саллолоҳу алайҳи ва салламга боғлиқ чегарадан узоққа чиқиб кетмади. Эр-хотин бир-биридан ғазабланган вақтда ўртага совуқликни туширмайдиган ишларни қилсинлар.

4. Баъзилар Аллоҳдан бошқа нарса билан қасам ичадилар. қасам ичилаётган нарса хоҳ Каъба, хоҳ Пайғамбаримиз саллолоҳу алайҳи ва салламнинг номлари бўлсин, бундай қасам ҳаром ва ширкдир.

Росулуллоҳ саллогоҳу алайҳи ва саллам айтдилар: «*Ким қасам ичса, Аллоҳнинг номи билан қасам ичсин, бўлмаса жисм турсин*».<sup>1</sup>

«*Ким омонатни ўртага қўйиб қасам ичса, биздан эмас*».

«*Ким Аллоҳдан бошқа нарса билан қасам ичса, дарҳақиқат ширк келтирибди*».<sup>2</sup>

### Тўй кечаларида рухсат берилган мусиқа

Оиша розиёллоҳу анҳодан ривоят қилинади: «*Набий саллогоҳу алайҳи ва саллам Оиша онамизнинг хузуридаги етим қизни назарда тутиб*:

- *Фалончихон қани?*- дедилар.
- *Күёвга бериб юбордик-* дедим.
- *У билан бирга дуф чаладиган жорияларни ҳам жўнатдингларми?*
- *Нима деб дуф чалади,- дедим.*

Росулуллоҳ саллогоҳу алайҳи ва саллам айтдилар: «*Мана бундай дейди:*

«*Биз сизларникига келдик. Сизларникига келдик. Бизларга салом беринглар алик олурмиз. Агар қизил тилло бўлмагандა эди, сизларнинг қишлоғинглар ясанмас эрди ва агар қора уруғ бўлмагандা эрди, қизларинг семирмас эрди*».<sup>3</sup>

### Хадисдан олинган сабоқлар

---

<sup>1</sup> Муттафақун алайх.

<sup>2</sup> Аҳмад ривояти.

<sup>3</sup> Бухорий ривояти.

Бу ҳадисда никоҳ кечаларида «дуф» чалишга ҳужжат бор. Набий саллолоху алайҳи ва саллам дедилар:

**«Никоҳдаги ҳалол ва ҳаромнинг орасини ажратиб турадиган нарса дуф ва овоздир».**<sup>1</sup>

Ушбу масала аҳамиятли бўлганлиги учун бир оз тўхталиб ўтамиз.

1) Чалинаётган нарса бир тарафи тери билан қопланган иккинчи тарафи очик, ҳеч қандай мусиқий асбоб ускуналар осилмаган думалоқ шаклдаги «дуф» бўлиши зарур. Чунки мусиқий асбоблар осилган дуфни ҳам ишлатишга шариат тарафидан ҳеч қандай рухсат келган эмас. Бу шариатда ҳаромдир. Росулуллоҳ саллолоху алайҳи ва саллам дедилар: «**Умматимда шундай бир қавм бўладики, улар хурни, ипакни, хамрни (ароқни).... ва маъозифни ўзларига ҳалол қилиб оладилар...**».<sup>2</sup>

«Маъозиф» барча мусиқа асбабларини ўз ичига олади. Луғат олимлари орасида бу масалада ҳеч қандай ихтилоф йўқ. Агар ҳалол бўлганида, зино, хамр каби нарсалар қаторида саналмаган бўларди.

Мусиқа ва мусиқий асбобларнинг ҳаром эканлигига ҳужжатлар кўп. Бироқ ҳозир бу масаланинг ўрни эмас.

2) Тўйда айтиладиган шеърларнинг сўзлари фаҳш, шаҳватни қўзғатувчи сўзлардан холи, чиройли ва маъноли сўзлар бўлиши лозим.

3) Бундай ҳолларда аёлларнинг овози эркакларга эшитилмаслиги керак. Аёлларга ажратилган жой эркаклар турган жойга яқин бўлмаслиги ва овоз кучайтиргич асбоблари ишлатилмаслиги даркор.

---

<sup>1</sup> Термизий ривояти.

<sup>2</sup> Бухорий ривояти.

4) Дуфни чалиш вақти бомдод намози ўтиб кетадиган даражада тонг отар бўлмаслиги керак. Шунингдек ҳозирги замон тўйлари каби, бу ўйин-кулгуларга ҳаддан ортиқ кўп сарф қилинмаслиги лозим.

Шайх Солиҳ ибн ғоним Ас-Судлан айтади: «Хурсандчиликни изҳор қилиш учун никоҳ тўйларида дуф чалинишининг зарари йўқ. Фақат баъзи шартлари бажарилиши керак. Шартлар:

Дуф бирорни безовта қилмайдиган даражада паст овозни чалиниши керак.

Дуфни эркаклар эмас, аёллар чалиши керак.

Шайхулислом Ибн Таймийя айтади:

«*Дуф чалиши ва чапак чалиши аёллар одати бўлгани учун бу ишиларни қилган эркакларни салафлар “хунасалар” деб айтганлар*».

Дуфда шилдироқлар бўлмаслиги керак. Шунингдек, карнай, сурнай, танбур, фижжак каби асбобларни чалиш ҳам, эшитиш ҳам барча аҳли илмлар наздида ҳаромдир.

Аёллар эркакларга аралашиб юрмаслиги лозим. Аммо бугун дуфни баланд чалиб овоз кучайтиргич ёрдамида одамларга эшиттириш, шаҳватни қўзғатувчи оҳангда ашуулаларни ва бемаъни шерларни айтиб кечалар ўтказилаётганини кўраяпмиз. Бундай ножоиз ишлар албатта фасод ва бузғунчиликка олиб боради.

Хофиз ибн Ражаб ўзининг «Нузҳатус само» китобида ёзади:

«*Уларнинг дуфлари бамисоли элакдек, шеърлари, мусиқа ва ашуулалари уруши кунларидағи жоҳилий шеърлар каби бўлар эди. Ким жарангловчи дуфлар билан газаллар эшитишни бунга ўхшатадиган бўлса, жуда катта хато қилибди*».

Иъз ибн Абдуссалом айтади: «Рубоб, гижжак ва шунга ўхшаш чолғу асбобларини чалиши ҳам, эшитиши ҳам түртала мазҳабда (Ҳанафий, Моликий, Шофеъий ва Ҳанбалий) ҳаромлиги машҳрдир».

Ибн қудома «Муғний» китобида айтади: «Дуфни чалиши эркакларга ҳамма вақт макруҳдир. Уни аёллар чалади. Агар эркаклар чаладиган бўлса ўзини аёлларга ўхшатган бўлади. Росулulloҳ саллоҳу алайҳи ва саллам ўзини аёлларга ўхшатган эркакларни лаънатлаганлар».

Хофиз ибн Ҳажар раҳматуллоҳи алайҳ айтади: «Исломнинг асл қоидаларидан бири - бемаъни ўйин-кулгулардан пок бўлиши. Асл қоидага хилоф бўлгани боис ўйин-кулгунинг вақти ва кўриниши аниқ далилларга мувофиқ бўлиши лозим».

Баъзи аёллар аёллар даврасида рақсга тушаётган вақтида мумкин бўлмаган жойлари очилиб кетади. Чунки у шармандаларнинг кийимини кийиб олгани учун либоси паст тарафидан, тепа тарафидан, чекасидан ёки торлигидан очилиб кетаётган бўлиши мумкин. Бу аҳволда рақс тушиш ҳам, бошқа аёлларнинг унга қарashi ҳам ҳаромдир.

Росулulloҳ саллоҳу алайҳи ва саллам айтдилар: «*Бир киши бошқа бирорвнинг авратига назар ташламасин! Бирорта аёл бошқа бир аёлнинг авратига назар солмасин! Икки киши бир кийим-либосга кириб олмасин! Икки аёл ҳам бир либосга кириб олмасин!*».<sup>1</sup>

Имом Нававий айтади: «Бу ҳадисда бир киши бошқа кишининг авратига, бир аёл бошқа бир аёлнинг авратига қарашининг ҳаромлиги баён қилинган».

---

<sup>1</sup> Муслим ривояти

Баъзи аёллар коғир, бузук раққосаларга тақлид қилиб рақс тушади. Бу билан шаҳват ўчоғига ўт ёқадилар. қолаверса Росулуллоҳ саллогоҳу алайҳи ва салламнинг мана бу сўзлари остига кириб қоладилар: «*Ким ўзини бир қавмга ўхшатса, бас у ўшаларданdir*».<sup>1</sup>

Яна гуноҳ ишларга ёрдам бериш ҳам бўлади.

Аллоҳ таъоло айтади: «*Гуноҳ ишларга ва тажовузкорликка ёрдам берманглар*».<sup>2</sup>

Бундай рақсга тушиш ҳам, уни томоша қилиш ҳам ҳаромдир.

Баъзи аёллар рақсга тушаётган вақтларида уларга кўз тегиб қолиши ва бошқа аёллар олдида мақталиб ҳар-хил фитналарга гирифтор бўлиб қолиш эҳтимоли бор.

Росулуллоҳ саллогоҳу алайҳи ва саллам айтганлар: «*Кўз тегиши ҳақдир. Агар тақдирдан бирор нарса ўтиб кетгувчи бўлганида, албатта кўз тегиши ўзар эди*.<sup>3</sup> (яъни Аллоҳнинг белгилаб қўйган тақдиридан олдин бирор бир нарса бўлиши мумкин бўлганида эди, биринчи бўлиб кўз тегиши бўлар эди)».

«*Аллоҳнинг қазо ва қадаридан кейин ўладиган кишиларнинг кўни нафас* (яъни, кўз тегиши)  *билан ўлади*».<sup>4</sup>

Демак муслималар бу муаммолардан ўзларини хотиржам санасалар-да, лекин бо қа аёлларнинг: «Фалончи чиройли рақс тушар экан, Писмадончи ёмон тушар экан», деган гапларидан қочиб қутула олмайдилар. Хусусан тўй-ҳашамларни яширин ёки

---

<sup>1</sup> Абу Довуд ривояти.

<sup>2</sup> «Моида»- 2.

<sup>3</sup> Муслим ривояти

<sup>4</sup> Баззор ривояти.

ошкор тасвирга туширишдан сақланмоқ лозим. Аёллар давраси тасвирга туширилган видеокассеталарни кимлар күрмайды дейсиз. Биз буни аниқ ҳаром деб айтамиз. Аллоҳ маъсумлигингизда барқарор қилсин!»

### **ҒИЙБАТ ВА ЧАҚИМЧИЛИКДАН САҚЛАННИГ!**

Оиша розиёллоху анҳодан ривоят қилинади: «*Мен Набий саллогоҳу алайҳи ва салламга:*

*- София розиёллоху анҳодан (ишора билан күрсатиб) фалон фалон нарсаларни тиийиб қўйсангиз бўлармиди, деган эдим.*

*Росулуллоҳ саллогоҳу алайҳи ва саллам:*

*- Дарҳақиқат сиз шундай сўзни айтдингизки, agar уни денгиз суви билан аралаштирилса, денгиз сувини ҳам нопок қилган бўлар эди», дедилар.*

*- Мен унинг қилигини айтдим холос!-дедим.*

*Росулуллоҳ саллогоҳу алайҳи ва саллам:*

*«Мен бор гапни айтдим холос. Лекин мақсадим фалон фалон» деган сўзни ёқтирмаиман», - дедилар.<sup>1</sup>*

### **Ҳадисдан олинган сабоқлар**

Ҳадисда ғийбатнинг ҳаромлиги айтилмоқда. Олимлар ғийбатни гуноҳи кабиралардан ҳисоблаганлар.

*«... ва айримларингиз айримларни ғийбат қилмасин! Сизлардан бирон киши ўзининг ўлган биродарининг гўштини ейишни яхши кўурми?! Ана ёмон кўрдингизми?! (Бас, гуноҳи бунданда ортиқ бўлган гийбатни ҳам ёмон кўрингиз)!...»<sup>2</sup>*

---

<sup>1</sup> Аҳмад ривояти.

<sup>2</sup> «Хужурот»- 12.

Росулуллоҳ саллолоҳу алайҳи ва саллам айтадилар: «*Рибо-судхўрлик етмииш икки бобдир. Энг кичкинаси (нинг гуноҳи) кишининг ўз онаси билан ётиши каби (ёмон гуноҳ)дир. Энг катта судхўрлик бу киши ўз биродарининг обрў-эътиборига путур етказишидир*».<sup>1</sup>

«Меъроjсга чиққанимда бир қавмнинг ёнидан ўтдим. Уларнинг тирноклар мисдан эди. Улар кўкраклари ва юзларини тирнар эдилар. Шунда мен: «Эй Жибрил, булар кимлар», деб сўрадим. Жибрил: «Улар инсонларни гўштини еган-уларнинг обрўларига путур етказганлар», - деб жавоб берди.<sup>2</sup>

Росулуллоҳ саллолоҳу алайҳи ва саллам ғийбатдан қаттиқ қайтаргандар. ғийбатчилар қандай ёмон гуноҳ қилиб юрганларини билиб қўйишин. Наҳот тиллари ғийбатдан чарчамаган бўлса??!

ғийбатчиларнинг касофатидан қанча чин дўстларнинг оралари бузилиб кетди! қанча оиласарнинг орасига совуқлик тушди! қанча гулдек хонадонлар харобага айланди.

Ахир ёлғон-бўхтонлар сабабли мазлум бўлиб қолганларнинг дуои-бадларидан қўрқмайдиларми?!

Аллоҳ таъоло мазлумларнинг дуосини қабул қилади. «**Иzzatim va Улуълигимга қасамки, бироз кейин бўлса ҳам, албатта сенга ёрдам бераман!**»- дейди. ғийбатчилар Аллоҳнинг аламли азоби келмасдан туриб тавба қилинг!

Росулуллоҳ саллолоҳу алайҳи ва саллам дедилар: «*Ким бир мўмин ҳақида унда йўқ бўлган сифатни гапирса, то гапираётган гапидан тўхтамагунича*

<sup>1</sup> Табароний ривояти, Албоний сахих деган.

<sup>2</sup> Абу Довуд ривояти.

*Аллоҳ унинг жойини дўзах аҳлидан оқиб чиққан йиринг ва қонлар тўпланадиган жойдан қиласди».*<sup>1</sup>

Мусулмон киши фийбат қлаётган одамни қайтариши лозим. Чунки ғийбатни эшитиш ҳаром. Биродарининг обрўсини ҳимоя қилган кишига чиройли оқибатлар ваъда қилинган.

Росулуллоҳ саллолоҳу алайҳи ва саллам айтдилар: «*Ким биродарининг обрўсини гийбатдан ҳимоя қилса, уни дўзахдан омон сақлаш Аллоҳнинг зиммасидаги ҳақ бўлди*».<sup>2</sup>

### **Оилавий муаммолар ечими**

Нўймон ибн Башир розиёллоҳу анхудан: «*Абу Бакр розиёллоҳу анҳу Набий саллолоҳу алайҳи ва саллам ҳузурларига кишига изн сўради. Шу вақт Оиша розиёллоҳу анҳонинг Росулуллоҳ саллолоҳу алайҳи ва салламга баланд овоз билан гапираётганини эшитиб қолди. Изн берилгач, кириб Оиша онамизни уришидилар: «Эй Умму Руммоннинг қизи! Росулуллоҳ саллолоҳу алайҳи ва салламга овозингни баланд кўтарасанми?». Росулуллоҳ саллолоҳу алайҳи ва саллам Абу Бакр билан қизининг ўртасига тушдилар. Абу Бакр розиёллоҳу анҳу чиқиб кетгач, Набий саллолоҳу алайҳи ва саллам Оиша розиёллоҳу анҳони рози қилиши учун: «Кўрдингизми, сиз билан отангизнинг ўртанигизга тушдим», - дедилар. Сўнг яна Абу Бакр розиёллоҳу анҳу келиб, кишига изн сўради. Шунда Росулуллоҳ саллолоҳу алайҳи ва салламнинг Оиша*

---

<sup>1</sup> Абу Довуд ривояти.

<sup>2</sup> Аҳмад ривояти.

*розиёллоху анҳони кулдираётганини эшигади. Изн берилгач, Абу Бакр розиёллоху анҳу: «Ё Росулуллоҳ саллогоҳу алайҳи ва саллам, уришиб қолган вақтингизда шерик қилғанларингиздек, хурсандчиликларингда ҳам шерик қилмайсизларми?», - деди».<sup>1</sup>*

### **Ҳадисдан олинган сабоқлар**

Набий саллогоҳу алайҳи ва салламнинг ҳалимлигига таъриф йўқ. Набий саллогоҳу алайҳи ва саллам асло кибр қилмасдилар. Агар аёлларидан бир хато содир бўлса, биринчи бўлиб Росулуллоҳ саллогоҳу алайҳи ва саллам ислоҳ қилишга ҳаракат қиласр эдилар.

Эр-хотин ўртасида келишмовчилик бўлиши табиий ҳол. Оилада жанжал чиқса, дарҳол икковидан бири ғазабидан тушиб тоқати етганча жуфтини аччиғидан туширишга ҳаракат қилмоғи лозим. Шунда оила деб аталмиш кема ҳаёт денгизида сузишда давом этади. Росулуллоҳ саллогоҳу алайҳи ва салламнинг хонадонидаги келишмовчиликлар аёллари томонидан бўлар эди. Росулуллоҳ саллогоҳу алайҳи ва салламнинг чиройли хулқлари ва ҳалимликлари аёлларини аччиғидан туширади.

Ота эрига қарши чиқанлиги учун қизига одоб бериши мумкин. Бу оила тинчлиги учун зарур.

Агар хотин тарафидан бир хато содир бўлса, эр аёлга зарар беришга ёки никоҳ тугунини ечишга шошилмасдан, ақл ва ҳалимлик билан муомала қилиши ва аёлининг яхши хулқларини эслаб, бу хатони кечириб юбориши лозим.

---

<sup>1</sup> Аҳмад ривояти.

Росулуллоҳ саллолоҳу алайҳи ва саллам айтдилар: «*Мүмин киши мүмина аёлга газаб қилмайди. Агар унинг бир ҳулқини ёмон кўрса, бошқасидан рози бўлади*».<sup>1</sup>

Келишмовчиликни хал қилиш учун Аллоҳга осий бўлиб қолмайдиган даражада эр-хотин ўз ҳаққини талаб қилишлари мумкин.

Ота фақат қизига фойдали бўлган ўринлардагина қизининг оиласига аралашиши мумкин.

Сахл ибн Саъд розиёллоҳу анху ривоят қилган ҳадис.

*Росулуллоҳ саллолоҳу алайҳи ва саллам қизлари Фотима розиёллоҳу анҳонинг уйига келдилар. Али розиёллоҳу анху уйда йўқ эди. «Амакингнинг ўғли қани?»- дедилар. Фотима розиёллоҳу анҳо: «Орамиздан гап ўтди. Сўнг мендан газабланиб чиқиб кетди. Менинг олдимда дам олгиси келмади»,- деди. Росулуллоҳ саллолоҳу алайҳи ва саллам бир кишига: «қарайчи қаерда экан-», дедилар. Ҳалиги киши: «У масжидда ётибди», деб келди. Росулуллоҳ саллолоҳу алайҳи ва саллам масжидга келдилар. Али розиёллоҳу анҳунинг елкасидан ридоси тушиб кетган, ҳаммаёги чанг бўлиб ётар эди. Росулуллоҳ саллолоҳу алайҳи ва саллам унинг чангларини қоқиб: «Эй Абу Туроб!<sup>2</sup> Туринг», дедилар.<sup>3</sup>*

Хофиз ибн Ҳажар (р.ҳ) айтадилар: «Бу ҳадисда кўп фойдалар бор. Булардан бири куёвга яхши гапириб, газабидан туширишидир».

---

<sup>1</sup> Муслим ривояти.

<sup>2</sup> Бу билан «Эй Тупроққа беланиб ётган киши» дейилмоқчи.

<sup>3</sup> Бухорий ва Муслим ривояти.

## **Хотинлар ўртасини ислоҳ қилиш**

Анас розиёллоҳу анҳудан: «*Ҳафсанинг Софияни яхудийнинг қизи дегани, Софияга етиб келди. София ҳафа бўлиб йиглади. Росулulloҳ саллолоҳу алайҳи ва саллам кирганларида ҳам йиглар эди.* «*Сизни нима йиглатди?*»- дедилар. София: «*Ҳафса мени яхудийни қизи дебди*», деди. Росулulloҳ саллолоҳу алайҳи ва саллам: «*Сиз пайгамбарнинг қизисиз, амакингиз пайгамбар ва сиз пайгамбарнинг хотинисиз. Ҳафса нимаси билан сизга фахрланяпти?*»- дедилар. Сўнг: «*Эй Ҳафса, Аллоҳдан қўрқинг!*»- дедилар». <sup>1</sup>

## **Ҳадисдан олинган сабоқлар**

Кундошлар ўртасида келишмовчилик чиққан пайтларда эр ҳакамлик қилиши жоиздир.

Аёл киши ўз номусини ва динини муҳофаза қилиш йўлида унга келаётган сўзлар -ҳатто фозила аёллар тарафидан келаётган бўлса ҳам- ўз исботини топмагунича қаттиқ ишонч ҳосил қиласлиги керак.

Набий саллолоҳу алайҳи ва саллам София розиёллоҳу анҳога яхши фазилатларни баён қилиб бердилар. Чунки бу фазилатлар пайғамбар хонадонига боғлиқ бўлган тақво ва иймон каби шарафли асос устига қурилгандир. Буни камситиб бўлмайди. Сўнг Набий саллолоҳу алайҳи ва саллам Ҳафса розиёллоҳу анҳога насиҳат қилдилар.

Ҳафса розиёллоҳу анҳо жаҳли чиққан пайтда юқоридаги сўзни айтган бўлиши мумкин. Лекин мусулмон киши тилини ҳар қандай тойилишлардан сақлашга буюрилган.

---

<sup>1</sup> Аҳмад ривояти.

**«Айтинг (эй Мұхаммад алаіхис-салом), бандаларимга улар энг чиройли (яши) сўзларни гапиришсин. Албатта шайтон уларнинг орасига адоватни ташлайди. Албатта шайтон инсонга очик душмандир».**<sup>1</sup>

### **Ахли-аёлга таълим бериш**

Иbn Аббос розиёллоҳу анхудан, мўминлар онаси Жувайрия Ҳориса қизидан розиёллоҳу анҳо: «*Набий саллогоҳу алаіҳи ва саллам Жувайрияниг олдидан бомдод намози вақтида чиқиб кетдилар. Жувайрия жойномоз устида эди. Сўнг чошгоҳ пайти қайтдилар. Жувайрия ҳали ҳам жойнамози устида ўтирап эди. Набий саллогоҳу алаіҳи ва саллам: «Сизнинг ёнингиздан чиқиб кетганимдан бери шу ҳолда ўтирибсизми?»- дедилар.* (Жувайрия): «Ха», деди. *Набий саллогоҳу алаіҳи ва саллам: «Мен сиздан кейин тўрт калимани уч марта айтдим. Агар сиз шу пайтгача айтган зикрларингиз билан бу калимани тортиб кўрилса, албатта бу калималар оғир келади.* (Бу калима) «*Махлуклар сонича, Аришининг оғирлиги, калималарниг сиёҳичалик ва Ўзининг розили қадар ҳамд айтиб, Аллоҳни поклайман*».<sup>2</sup>

### **Ҳадисдан олинган сабоқлар**

Бу ҳадисда Набий саллогоҳу алаіҳи ва салламнинг ахли аёлига насиҳати, уларга меҳрибонлиги ва яхшиликка йўллаганлиги баён қилиняпти.

---

<sup>1</sup> «Исро»- 53.

<sup>2</sup> Аҳмад ва Муслим ривояти.

Эр киши аҳли аёлига таълим бериш ва яхши йўлларга йўллашга ҳаракат қилмоғи лозим. Росууллоҳ саллолоҳу алайҳи ва саллам дедилар.

*«Аллоҳнинг раҳмати бўлсин бир кишига-ки, у кечаси туриб намоз ўқийди ва аёлини ҳам уйготади. Агар туришдан бош тортса, юзига сув сепади. Аллоҳнинг раҳмати бўлсин бир аёлга-ки, у кечаси туриб намоз ўқийди ва эрини ҳам уйготади. Агар туришдан бош тортса, юзига сув сепади».*<sup>1</sup>

Мазкур ҳадисда айтилган сифатлар билан зийнатланган хонадон ҳакиқий баҳтли хонадондир. Чунки Аллоҳга итоат қилишда бир-бирига ёрдам бермоқлик оила баҳтининг асосидир.

Шайхул-ислом Ибн Таймия (р.х) айтади: «Аллоҳни доим зикр қилиб юриш – банда шуғулланадиган ишларнинг энг афзали эканини олимлар билиттифоқ таъкидлашган».

Сайд ибн Абу Ваққос розиёллоҳу анхудан: «Биз Росууллоҳ саллолоҳу алайҳи ва саллам ҳузурларида эдик. Росууллоҳ саллолоҳу алайҳи ва саллам: «Сизлардан қайси бирингиз бир кунда мингта савоб олишидан ожиз?»-дедилар. «қандай қилиб олади?»- деб сўрашиди. Росууллоҳ с.а.в: «Юз марта тасбех айтади, шунда унга мингта яхшилик ёзилади ёки мингта хатоси ўчирилади»,- дедилар.<sup>2</sup>

Ё Аллоҳ! қанча улуғ фазллар бор, биз ундан тоғифилмиз.

## Үйларни мункар нарсалардан поклаш

<sup>1</sup> Абу Довуд, Насойи ибн Можа ривояти.

<sup>2</sup> Муслим ривояти.

Оиша розиёллоху анҳодан: «*Росулуллоҳ саллолоҳу алайҳи ва саллам сафардан келдилар. Менинг хонамда бир кичкина дарча бор эди. Уни сурати бор мато билан тўсиб қўйган эдим. Росулуллоҳ саллолоҳу алайҳи ва саллам уни кўрган заҳоти йиртиб ташладилар-да: «қиёмат куни энг қаттиқ азобланадиган кишилар Аллоҳнинг маҳлукларига ўхшатиб расм чизганлар»,- дедилар. Сўнг уни битта ёки иккита ёстиқ қилиб қўйдик».*<sup>1</sup>

### **Хадисдан олинган сабоқлар**

1) Гоҳо оилада кимдир ўзи билмаган ҳолда мункар ишни қилиб қўяди. Шунда қаттиқ муомала қилмасдан, бу мункарни дарҳол ўзига хос услугуб билан ўзгартириш зарур. (Яъни ким ҳақ, ким ноҳақлигини аниқлаб олиш керак). Ҳақ маълум бўлгач, икки тарафдан бири ҳақни қабул қилиб, итоат қилиши лозим.

2) Бу ҳадисда расм чизиш ва чизилган суратларни уйда қолдиришнинг ҳаромлиги айтиляпти. Уларни ўчириб, йўқ қилиб ташлаш вожиб.

*«Албатта бу суратларнинг эгалари қиёмат куни азобланадилар».*<sup>2</sup>

*«Фаришталар сурати бор уйга кирмайди».*<sup>3</sup>

Хусусан, ёш болаларнинг кийимларидағи жонли суратларни йўқотмоқ лозим. Аммо ерда хор бўлиб тепаланадиган тўшакка ўҳшаган нарсалардаги суратлар мумкин. Жаброил Набий саллолоҳу алайҳи ва салламга деди: «*Буюринг, ўраб қўйишисин, кесиб ташлашисин ёки*

---

<sup>1</sup> Бухорий ривояти

<sup>2</sup> Бухорий ривояти.

<sup>3</sup> Бухорий ривояти.

*тепаланиб оёқ остида қоладиган түшак қилиб қўйишисин».<sup>1</sup>*

### **ғаюрлик-қизғаниш**

Оиша розиёллоҳу анҳодан: «*Мен Росулуллоҳ саллогоҳу алайҳи ва салламни* (бирга ётганда) *пайпаслаб қидирдим. Сўнг қўлимни соchlари орасига киргиздим. Шунда Росулуллоҳ саллогоҳу алайҳи ва саллам «Шайтонинг келдими?»- дедилар. Мен: «Сизнинг шайтонингиз йўқми?»- дедим. Росулуллоҳ саллогоҳу алайҳи ва саллам: «Бор, лекин унга қарши Аллоҳ менга ёрдам берган; у Исломга кирган»,- дедилар.*<sup>2</sup>

### **Ҳадисдан олинган сабоқлар**

1) Рашк аёлларда доим бўлади. Хусусан, ухлаш олдидан ва уйғонган пайтида аёллар билан муомала қилишда ўртача бўлиш лозим. Росулуллоҳ саллогоҳу алайҳи ва саллам: «*Албатта рашк қилувчи аёллар водийнинг тепаси билан пастини* (фарқига бормай қолади) *курмайди*»,- деганлар.<sup>3</sup>

Аёлларда rashk ўти алангаланган вақтда қилаётган ишларини билмай қолади. Шунинг учун ҳам Оиша розиёллоҳу анҳо Росулуллоҳ саллогоҳу алайҳи ва саллам бошқа хотинлариникига бориб келдими-йўқми, шуни билиш учун қўлини Росулуллоҳ саллогоҳу алайҳи ва салламнинг соchlари орасига киргизган бўлиши мумкин.

---

<sup>1</sup> Абу Довуд, Термизий ва Насойи ривояти.

<sup>2</sup> Насойи ривояти.

<sup>3</sup> Абу Яъло ривояти.

Албатта, бу шайтон васвасасидир. Чунки Росууллоҳ саллогоҳу алайҳи ва саллам Оиша розиёллоҳу анҳо учун ажратган кунда адолатсизлик қилиши мумкин эмас.

2) Оиша розиёллоҳу анҳонинг саволи қаттиқ бўлсада, Росууллоҳ саллогоҳу алайҳи ва саллам у кишига чиройли муомала қилдилар. Бундан Росууллоҳ саллогоҳу алайҳи ва салламнинг аёлинин канчалик дўст тутганлиги маълум бўлади.

қози Иёз раҳматуллоҳи алайҳ: «*Росууллоҳ саллогоҳу алайҳи ва саллам аҳли аёллари билан чиройли ва бағрикенглик билан муомалада бўлгани хусусида саҳобалар ва салафи солиҳларнинг сўзлар жуда кўпdir*», - деганлар.

И мом Молик айтади: «*Киши аҳли билан яхши муносабатда бўлишида Аллоҳнинг розилиги, аёлининг муҳаббати, молининг кўпайиши ва умрининг баракали бўлиши борdir*». «*Инсон аёлининг муҳаббатини қозонишига ҳаракат қилиши вожиб*».

И мом Молик аҳли-аёлига ва фарзандларига чиройли муомалада бўлган кишилардан эди.

## **Ота ўз қизини солиҳ кишига «уйланинг», деб таклиф қилиши**

Абдуллоҳ ибн Умар розиёллоҳу анҳумодан: «*Ҳафсанинг эри Хунайс<sup>1</sup> ибн Ҳузофа ас-Саҳмий вафот этганидан кейин Умар розиёллоҳу анҳу айтади: «Мен Усмон розиёллоҳу анхунинг олдига бориб, унга қизим Ҳафсани таклиф қилдим. У: «ўйлаб қўраман»,- деди. Орадан бир неча кун ўтди. Сўнг шу кунларда*

---

<sup>1</sup> Хунайс - саҳобийлардан, Мадинада вафот этган.

*уйланолмаслигини айтди. Абу Бакрға бордим, унга: «хоҳласангиз, қизим Ҳафсани сизга берай», - дедим. Абу Бакр бирон нарса демади. Мен Усмондан ҳам қўра Абу Бакрдан кўп хафа бўлдим. Орадан бир неча кун ўтгач кейин Росулуллоҳ саллогоҳу алайҳи ва саллам совчи қўйдилар. Сўнг Ҳафсани Росулуллоҳ саллогоҳу алайҳи ва салламга никоҳлаб бердим. Бир куни Абу Бакрни учратиб қолдим. Абу Бакр: «(Эй Умар) менга қизингиз Ҳафсани таклиф қилганингизда, ҳеч нарса демаганимга хафа бўлгандирсиз?» - деди. «Ҳа» дедим. Абу Бакр: «Боиси шуки, Росулуллоҳ саллогоҳу алайҳи ва салламнинг сирларини фоши этгим келмади, agar Росулуллоҳ саллогоҳу алайҳи ва саллам уйланмаганида, мен албатта таклифингизни қабул қиласр эдим», - деди.<sup>1</sup>*

### **Ҳадисдан олинган сабоқлар**

Бу ҳадисдан ота қизини ёки қўл остидаги чўрилардан бирини солих кишига таклиф қилиши мумкинлиги маълум бўлади. Бу иши ўз қизига қилган яхшилигидандир.

Ота қизини солих кишига таклиф қилишида зарар йўқ. Умар розиёллоҳу анҳу Абу Бакр Сиддиқга қизини таклиф қилди. Ҳолбуки, Абу Бакрнинг бошқа хотини бор эди. Ҳафсанинг ҳам ёши Абу Бақрдан йигирма ёшлар чамаси фарқ қиласр эди. Чунки Ҳафса рисолатдан беш йил олдин туғилган.

Баъзи аёлларнинг «хотин устига яна бошқасини олишни истаган кишига турмушга чиқиш жоиз эмас.

---

<sup>1</sup> Бухорий ривояти.

Чунки бу олдинги хотинига нисбатан зулмдир», деган тушунчалари хатодир. Умар розиёллоху анху қизи Ҳафсани Абу Бакр ва Усмондек турмуш қурган кишиларга таклиф қилди-ку!

Мусулмонларнинг бири-бирига совчи қўйиш ёки уйланиш каби солих амалларни қилиши Аллоҳ изни билан савобли ишдир.

**«(Эй мўминлар), яхшилик ва тақво ишларида бир-бирларинга ёрдам беринглар».<sup>1</sup>**

Ҳозир фитналар авжига чиққан бир даврда уйланиш шартларини енгиллаштириш лозим. Чунки кундан кунга аёллар сони кўпайиб бормоқда.

Кўп кишиларнинг бева аёлларга -ҳоҳ эри ўлган, хоҳ ажрашган бўлсин- уйланишдан боштортишлари катта хатодир. Чунки бу аёллар оиласиий ва ижтимоий ҳожатларини адо этадиган кишиларга муҳтожлар.

Шунингдек аёллар ҳам ўзларига совчи қўяётган кишилардан динига ва хулқига рози бўлганига –гарчи уйланган бўлса ҳам- рози бўлишлари лозим. Улар ўзларини ҳимоя қиласидиган ва оиласиий муаммоларини ҳал қилиб берадиган солих кишининг қўл остида бўлишлари мақсадга мувофиқдир.

## **Одамларнинг ёмон хаёлларга бориб қолишидан эҳтиёт бўлмоқ**

Али ибн Ҳусайн розиёллоху анхумодан: «*Росулуллоҳ саллогоҳу алайҳи ва салламнинг аёли София розиёллоҳу анху Рамазоннинг охирги ўн қунида, Росулуллоҳ саллогоҳу алайҳи ва саллам эътикофдалик пайтида, у*

---

<sup>1</sup> «Моида»- 2.

*кишини зиёрат қилгани келдилар. Ресуллух саллоху алайхи ва саллам билан гаплашиб қолдилар. Бир оздан кейин София уйга қайтмоқчи бўлганларида, Ресуллух саллоху алайхи ва саллам қузатиб қўйгани турдилар. Икковлари Умму Салама розиёллоҳу анҳони эшиги ёнига келганларида Ансорлардан икки киши уларнинг ёнларидан ўтиб қолди. Улар Ресуллух саллоху алайхи ва салламга салом бериб ўтиб кетишиди. Ресуллух саллоху алайхи ва саллам уларга қараб: «Шошманлар, бу София бинти Хуяй»,- дедилар. Улар: «Ё Ресуллух, саллоху алайхи ва саллам нима деяпсиз?»- дейшиди. Бу га н улаға оғир ботди. Набий саллоху алайхи ва саллам: «Шайтон одам фарзандининг қон томирларигача етади, шунинг учун сизларнинг қалбингизга ёмон гумонни солиб қўйшишидан қўрқдим»- дедилар.<sup>1</sup>*

### **Ҳадисдан олинган сабоқлар**

Мусулмонлар бирорларнинг ёмон гумонга бориб қолишидан эҳтиёт бўлиши лозим. Шунинг учун шубҳа уйғотадиган жойларда юрмаслиги керак. Баъзи оиласарнинг кўпчилик олдида ўзларини тута олмасликлари кишини ёмон гумонга олиб боради.

Ресуллух саллоху алайхи ва салламнинг хонадони нақадар пок ва шарафли эди. Ресуллух саллоху алайхи ва саллам: «*Бу София бинти Хуяй*»,- деб бу икки ансорнинг ёмон гумонга бориб қолишидан эҳтиёт бўлиб, вазиятни аниқ тушинтиришга ҳаракат қимоқдалар. Бу ҳадис шубҳали ўринлардан ва одамлар

---

<sup>1</sup> Бухорий, Муслим ва Абу Довуд ривояти.

ёмон гумонга бориб қолишлари мумкин бўлган ўринлардан узоқ бўлишимизга катта далилдир.

### Қизларга яхшилик қилиш

Оиша розиёллоҳу анҳодан: «*Бир бечора аёл икки қизчасини қўтариб ҳузуримга келди. Мен аёлга учта хурмо бердим. У қизларига биттадан хурмо берди, ўзи учунчисини энди оғзига олиб борганида қизлари яна қўл чўзишиди. Шунда аёл учинчи хурмони ҳам уларга бўлиб берди. Менга аёлнинг қилган иши жуда ёқди. Росулуллоҳ саллолоҳу алаиҳи ва саллам келганида бу воқеани айтиб бердим. Росулуллоҳ саллолоҳу алаиҳи ва саллам: «Аллоҳ таъоло аёлга ана шу иши сабабли жаннатни вожиб қилди ёки уни дўзахдан қутқарди», - дедилар. Бошқа бир ривоятда: «Ким қизлари тарафидан балоланса (синалса), бас, уларга яхшилик қилса, улар шу киши учун дўзахдан тўсиб турадиган парда бўлади»,- дедилар.*<sup>1</sup>

### Ҳадисдан олинган сабоқлар

1) Оиша розиёллоҳу анҳони раҳим-шафқатли ва эҳсон қилишни яхши кўрадиган аёл эдилар. Бошқа бир ривоятда аёлга берган шу учта хурмодан бошқа нарса уйида йўқлиги зикр қилинади. Бир сафар Муовия розиёллоҳу анҳу Оиша розиёллоҳу анҳога юз минг дирҳам жўнатди. Оиша розиёллоҳу анҳо уни қўлига ҳам олмасдан туриб мискину муҳтожларга тарқатиб юборади.

---

<sup>1</sup> Бухорий ва Муслим ривояти.

2) Фарзандларга -хусусан қизларга- яхши мұомалада бўлмоқ фазилатли амалдир. Баъзилар қиз туғилса, хафа бўладилар. Бу нотўғри. Аллоҳ таъоло қиз туғилишини ёмон кўрган жоҳилияят аҳлини қоралади:

**«қачон бирорлариға қиз (кўргани ҳақида) хушхабар берилса, ғазабга тўлиб, юзлари қорайиб кетар. Ва У (қизни) хўрлаган ҳолида олиб қолиш ёки (тириклай) тупрокқа қориш (тўғрисида ўй суреб), ўзига хабар берилган нарсанинг (яъни қизнинг), ёмонлигидан (номус қилиб) одамлардан яшириниб олур. Огоҳ бўлингизким, (улар бу қилмишлари билан) энг ёмон (яъни ноҳақ) хукм чиқарурлар».<sup>1</sup>**

Восила ибн Асқаъ: «Аллоҳ таъолонинг аёл зикрини эркакдан олдин келтириши аёлларнинг баракотли ва баҳтли эканига далолат қиласади:

**«У Ўзи хоҳлаган кишига қизларни ҳадя этур ва  
Ўзи хоҳлаган кишига ўғилларни ҳадя этур».<sup>2</sup>**

«Араб амирларидан Абу Ҳамза деган киши бир аёлга уйланади. Аёлдан қиз туғилади. Бунга Абу Ҳамзанинг жаҳли чиқиб, уйдан чиқиб кетади. Орадан бир йил ўтгач аёлининг уйи ёнидан ўтиб кетаётib аёлининг қизига айтаётган ашуласини эшитиб қолади.

«Абу Ҳамзага нима бўлди, бизникига келмайди, унга ўғил туғиб бермаганимиз учун ғазаб қилиб ёнимиздаги уйда яшайди. Ахир бизда ихтиёр йўқ-ку. Биз Аллоҳ нимани берса, шуни оламиз. Биз ерга ўхшаймиз. Экилган нарсани ўстирамиз холос». Бу шеърни эшитиб, Абу Ҳамзанинг оталик меҳри тутиб кетди. Уйга кириб, боласининг ҳам, хотинининг ҳам пешонасидан ўпди.

---

<sup>1</sup> «Нахл»- 58,59.

<sup>2</sup> «Шўро»- 49.

3) Баъзи ота-оналарнинг ўғилни афзал кўришларига сабаб, ўғил бола қиздан кўра фойдалироқ деб ўйлашади. Ҳар доим ҳам шунаقا бўлавермайди. Баъзан ўғил боладан кўра қиз боланинг ота-онага яхшилиги қўп бўлади.

**«Ота-оналарингиз ва фарзандларингиз қайси бири сизга фойдаси тегувчироқ эканлигини билмайсиз».<sup>1</sup>**

Исломдан олдин арабларда қизларга адолатсизлик билан муомала қиласади. Ислом қизларни хурмат қилишга тарғиб қилди. Росууллоҳ саллолоҳу алайҳи ва саллам: «*Ким икки қизни балогатга етгунга қадар қарамогига олса, қиёмат қуни мен ва у мана бундай деб бармақларини бирлаштирилар*».<sup>2</sup>

қизларга қилинган энг катта яхшилик - уларни иффатли, пок ва ҳаёли қилиб тарбиялаш, уларга солих қуёвларни танлашдир. Жаннат ваъдаси ана шундай ота-оналаргадир.

Набий саллолоҳу алайҳи ва салламнинг никоҳ хусусида ва аҳли-аёл билан муомала қилишдаги йўлланмалари.

Анас розиёллоҳу анхудан ривоят қилинган саҳих ҳадисда Росууллоҳ саллолоҳу алайҳи ва саллам: «*Дунёдан менга уч нарса яхши кўрсатилди; Аёллар ва хушбўйлик. Ҳурсандчилигим намозда қилинди*», - дедилар.<sup>3</sup>

Росууллоҳ саллолоҳу алайҳи ва саллам бир кечада ҳамма аёлларини айланиб чиқар эдилар. Росууллоҳ

---

<sup>1</sup> «Нисо»-11.

<sup>2</sup> Муслим ривояти.

<sup>3</sup> Ахмад ва Насорий ривояти.

саллолоҳу алайҳи ва салламга ўттиз кишининг куввати берилган. Шунинг учун ҳам Аллоҳ таъоло у кишига ҳеч кимга бермаган рухсатни (яъни қўп хотинликни) берди. Росулуллоҳ саллолоҳу алайҳи ва саллам аёллари ўртасида кунларини тақсимлаб қўйганлар. Бироқ муҳаббат масаласида бундай дер эдилар:

*«Эй, Аллоҳим, бу менинг қўлимдан келган нарсада қилган тақсимотим, қўлимдан келмаганига мени маломат қилмагин».*<sup>1</sup>

Баъзи ривоятда бу тақсимотдан мурод «Жимоъ» ва «Муҳаббат» дейилган. Шунинг учун ҳам бу икковида адолат қилиш вожиб эмас. Чунки бу одамнинг қўлидаги нарса эмас.

### **Ҳадисдан олинган сабоқлар**

Росулуллоҳ саллолоҳу алайҳи ва саллам умматнинг энг қўп хотинли кишилариdir. Ибн Аббос: «Үйланинглар! Чунки бу умматнинг энг яхиси - қўп хотинлариdir», - дерди.

Росулуллоҳ саллолоҳу алайҳи ва саллам хотинларидан бирини талоқ қилиб, сўнг қайтариб олган, «ийло»<sup>2</sup> ҳам қилган. Лекин Росулуллоҳ саллолоҳу алайҳи ва саллам «Зихор»<sup>3</sup> қилган эмаслар.

Росулуллоҳ саллолоҳу алайҳи ва саллам хотинлари билан чиройли хулқ ва гўзал муомалада бўлганлар.

---

<sup>1</sup> Абу Довуд, Термизий, Насоий ва Ибн Можа ривояти.

<sup>2</sup> Ийло – киши ўз хотинига малум муддатга яқинлик қиласликка аҳд килишидир. Агар ийло тўйт ойдан ошса, бир талоқ тушади.

<sup>3</sup> Зихор – киши хотинининг баданини онасининг бадани каби харом қилиб олиши.

Росулуллоҳ саллолоҳу алайҳи ва саллам ансорларнинг қизларини Оиша розиёллоҳу анҳо ёнига киргизиб юборар эди. Агар улар ўйнаётган ўйин ёмон бўлмаса Оиша розиёллоҳу анҳога ҳам рухсат берардилар.

Агар Оиша розиёллоҳу анҳо бир идишдан ичса, Росулуллоҳ саллолоҳу алайҳи ва саллам Оиша оғзини қўйган жойга оғзини қўйиб ичар, гўшт есалар Оиша тишлаган ўриндан тишлар эдилар.

Оиша розиёллоҳу анҳо ҳайз кўрганда ҳам Росулуллоҳ саллолоҳу алайҳи ва саллам унинг қучоғига бош қўйиб қуръон ўқир эдилар. Оиша розиёллоҳу анҳу ҳайз кўрганида ҳам Росулуллоҳ саллолоҳу алайҳи ва саллам уни бағирларига олиб ётганлар.

Масжидда хабашларнинг ўйинини томоша қилдиришлари, сафарга чиққанларида Оиша билан икки марта мусобақа қилғанлари буларнинг ҳаммаси Росулуллоҳ саллолоҳу алайҳи ва салламнинг аёллари билан чиройли муомалада бўлғанлигига далолат қиласди.

Росулуллоҳ саллолоҳу алайҳи ва саллам сафар қилсалар хотинлари орасида қуръа ташлар эдилар. қуръа қайси аёлларига чиқса, ўша билан сафар қиласар эдилар.

Росулуллоҳ саллолоҳу алайҳи ва саллам: **«Сизларнинг яхшиларингиз ўз оиласига яхши муомала қиласигандарингиздир. Мен эса сизларнинг орангиздаги ўз оиласига энг яхши муомала қилувчи кишинман»**- дер эдилар.

Росулуллоҳ саллолоҳу алайҳи ва саллам аср намоздан кейин хотинларининг уйига кириб ҳаммаларидан ҳол сўраб чиқар эдилар. Кеч киргач, кимнинг навбати келган бўлса, ўшаникида қолар эдилар.

Оиша розиёллоху анҳо айтади: «*Росулуллоҳ саллогоҳу алайҳи ва саллам ҳаммамизни бирдек күрар эдилар, баъзан ҳаммамизни бир кунда айланиб чиқар эдилар.*

Росулуллоҳ саллогоҳу алайҳи ва саллам Оиша розиёллоху анҳо учун бир кун ажратган эди. Савда ёши ўтиб қолғанлиги учун ўз навбатини Оишага берганди.

Росулуллоҳ саллогоҳу алайҳи ва саллам аёллари билан кечанинг аввалида ёки охирида яқинлик қиласарди. Кўпинча ғусл қилиб, баъзан таҳорат қилиб ётар эдилар.

Битта ғусл билан ҳамма хотинларини айланиб чиқар эдилар. Баъзида ҳар биттасининг хузурида ғусл қиласардилар.

Агар сафардан келсалар, уйга кечаси кирмасдилар.

Анас розиёллоху анҳудан: «*Росулуллоҳ саллогоҳу алайҳи ва саллам (сафардан келсалар) аҳлиларига кечаси кирмасдилар. Кечаси келсалар, эртасига кирадилар*.<sup>1</sup>

«*Агар сизлардан бирортанглар сафардан кечаси келса, уйига кирмасин. Аёли ювиниб тараниб олишга улгурсин*.<sup>2</sup>

Аллоҳ таъоло мени ҳам, сизларни ҳам Набий саллогоҳу алайҳи ва салламдан яхши намуна олишни насиб этсин ва Ўзининг улуғ ҳовлиси - Жаннатда барчамизни жамласин. Омийн.

اَخِرُ دُعَوَانَا اَنَّ الْحَمْدَ لِلَّهِ رَبِّ الْعَالَمِينَ

Бисмиллахир Роҳманир Роҳийм

---

<sup>1</sup> Бухорий ривояти.

<sup>2</sup> Муслим ривояти.

## **ОТА-ОНАГА ЯХШИЛИК ҚИЛИШ**

Инсонни йўқдан бор қилган ва унга улкан неъматлар берган Аллоҳга ҳамду санолар бўлсин. Пайғамбарларнинг энг шарафлиси Муҳаммад саллолоҳу алайҳи ва салламга, оиласари ва асҳобларига салоту саломлар бўлсин.

Дарҳақиқат, Аллоҳ таъоло инсонга ота-онаси билан яхши муносабатда бўлиш ва доим уларга яхшилик қилишни буюрди.

**«Парвардигорингиз Ёлғиз Унинг Ўзига ибодат қилишларингизни ҳамда ота-онага яхшилик қилишларингизни амр этди. Агар уларнинг (*ота-онангизнинг*) бирори ёки ҳар иккиси сенинг қўл остингда кексалик ёшига етсалар, уларга қараб «уф» тортма ва уларнинг (*сўзларини*) қайтарма! Уларга (*доимо*) яхши сўз айт! Улар учун меҳрибонлик билан, хорлик қанотини паст тут-хокисор бўл ва:**

**«Парвардигорим, мени (*улар*) гўдаклик чоғимда тарбиялаб-ўстирганларидек, Сен ҳам уларга раҳм-шафқат қилгин», деб (*ҳақларига дуо кил!*)!».** («Исрө». Яъни киши ўйига тусатдан кирмасин. Аёлининг 23-оят)

Хушбуйланиб, тайёрланиб туришга вақти бўлсин. Ибн Аббос розиёллоҳу анҳу: **«Уларга қараб «уф» тортма ва уларнинг (*сўзларини*) қайтарма!»** оятини шарҳлаб айтадилар: У нафрат сўзиdir.

Муқотил айтади: У қўпол, ёмон калималарни айтиш.

Банда тарбия бериб вояга етказган ота-онасининг меҳрибонлиги ва қийинчиликларини тушуниб етиши учун Аллоҳ азза ва жалла ушбу сўзида хусусан ота-она тарбиясини зикр қилди.

**«Парвардигорим, мени (улар) гўдаклик чоғимда тарбиялаб-ўстирганлариdek, Сен ҳам уларга раҳм-шафқат қилгин», деб (ҳақларига дуо қил)!».**

Аллоҳ таъоло инсонга ота-онасининг ҳаққи хусусида шундай деди:

**«Фақат Аллоҳ таъологагина ибодат қиласизлар, ота-онага, қариндош-уруг, етим ва мискинларга яхшилик қиласизлар» деб Бани Исройлдан ахду паймон олганимизни эсланглар».**

Ота-онага яхшилик қилиш амалларнинг афзали ва тоатларнинг энг улуғидир!

Абдуллоҳ ибн Масъуд розиёллоҳу анҳу айтади: «Росулуллоҳ саллолоҳу алайҳи ва саллам айтдилар: «(Энг афзал амал) ўз вақтида ўқиладиган намоздир». Сўнг қайси?- деб сўрадим.

**«Ота-онага яхшилик қилиши».**

Сўнг қайси?

**«Аллоҳ йўлида жиҳод қилиши»**, дедилар».

Ота-онага яхшилик қилиш жаннатга олиб борувчи йўллардандир.

Абу Ҳурайра розиёллоҳу анҳу айтдилар: Росулуллоҳ саллолоҳу алайҳи ва салламдан ушбу сўзларни эшитдим: «Хор бўлсин! Хо р бўлсин! Хор бўлсин!». Ким Ё Росулуллоҳ саллолоҳу алайҳи ва саллам?- деб сўрашди. «Ким ота-онасининг бирини ёки иккаласини қарилик пайтида топса ва жаннатга кирмаса», - дедилар. (Яъни ота-онасини қариган чоғларида уларнинг розиликларини олмаса ва оқибат жаннатга киролмаса).

Ҳасан айтдилар: «Яхшилик қилиш Аллоҳга маъсият бўймаган барча нарсада уларга итоат қилмоқдир. Ота-

онага оқ бўлиш уларни қарилик чоғида қаровсиз ташлаб қўйиш ва яхшилиқдан маҳрум қилмоқдир».

Набий саллолоҳу алайҳи ва саллам ҳузурларига жиҳод қилиш учун рухсат сўраб келган бир киши қиссасини эсланг. Росулуллоҳ саллолоҳу алайҳи ва саллам сўрадилар: «Ота-онанг тирикмилар?»- Ҳа- деди. Айтдилар: «Сен уларнинг хизматларини қил!».

Ҳар бир инсонга ота-онасига яхшилик қилиш ҳам фарз, ҳам қарзdir. Ота-онага яхшилик қилиш, бу ҳеч қачон уларга қарши чиқмаслик, итоатларидан бўйин товламаслиқdir. Кўпчилик ота-онасига яхшилик фақат ўзларига ёқадиган ишларда ва хоҳишлиринг мувофиқ келган ўринларда деб ҳисоблади. Ҳақиқат эса тамомила бунинг аксиdir. Яхшилик уларнинг ҳавои хоҳишлиринг хилоф нарсаларда бўлади. Агар уларнинг ҳавои майлларига тўғри келадиган нарсада бўлганида эди, у яхшилик деб номланмасди. Аллоҳ таъоло ота-онага яхшилик қилиш ва уларнинг ҳурматларини жойига қўйишга ундади:

**«Улар учун, меҳрибонлик билан, хорлик қанотини паст тут-хокисор бўл ва: «Парвардигорим, мени (улар) гўдаклик чоғимда тарбиялаб-ўстирганларидек Сен ҳам уларга раҳм- шафқат қилгин» деб (ҳақларига дуо қил)!».**

### **Азиз биродарим:**

Ота-онанинг хизматини қилишда, уларнинг розиликларига етишишда сусткашлик қилманг! Балки қуш каби учинг! Хизматларини қилинг ва улар ҳаққига раҳмат ва мағфират тилаб дуолар қилинг! Шунда ҳам ота-онангизнинг ҳақларини тўлиқ адо эта олмайсиз.

Лекин Аллоҳ озига қарамай, савоб бериб, унга барака ато этади. Ота-онага яхшилик қилишга Буюк Аллоҳ азза ва жалла тарафидан даъват-чақириқ бўлишига қарамасдан, биз қадриятларнинг тартиби бузилганини кўрамиз. Гоҳо биз ошна-оғайниларини ота-онасидан муқаддам қўядиган кимсаларни учратамиз. Баъзилар ота-онага яхшилик қилиш каби фазилати улуғ амалларни тарқ этиб, арзимас амалларни қиладилар. Баъзи кишилар ота-онаси қариб қолганида олдиларидан кетиб қолади ёки ота-онасини узок-узоқ вақтда бир зиёрат қилади. Кўпинча ота-онасига бақиради ёки қўпол муомала қилади. Айримлар кўча-кўйда динсизларга хушомад қилади-ю, уйида кекса ота-онасига айтгани бир оғиз илиқ сўз тополмайди. Гўё душмани билан урушаётгандек муомалада бўлади. Аллоҳ уларни ислоҳ қилсин!

Бугун динга этиборсизлик ва аёлларнинг ҳукмрон бўлиши сабабли аёлга итоат қилиш ва ота-онадан уни афзал қўйиш кенг тарқалди. Муоз розиёллоҳу анху айтдилар: Росулуллоҳ саллогоҳу алайҳи ва саллам менга васият қилдилар: **«Агар ота-онанг сенга аҳлингдан ҳам, молингдан ҳам воз кечишингни буюрсалар ҳам, уларга итоат қил!».**

Эрини ота-онасига осий бўлишга ва қариндош-урӯғчиликни узишга ундейдиган аёлда бирор-бир яхшилик йўқ!!!

Абдуллоҳ ибн Умар розиёллоҳу анхумо айтадилар: «Умар розиёллоҳу анху менинг аёлимни ёқтирмасдилар. Отам менга уни талоқ қил деб айтдилар. Мен бош тортдим. Умар розиёллоҳу анху Набий саллогоҳу алайҳи ва саллам ҳузурларига бориб устимдан шикоят

қилдилар. Набий саллолоҳу алайҳи ва саллам айтдилар: «Отангга итоат қил».

Абу Дардо розиёллоҳу анҳу ҳузурларига бир киши келиб айтди:

- Онам хотинимни талоқ қилишимни бюряптилар.

Абу Дардо айтдилар:

- Росулуллоҳ саллолоҳу алайҳи ва салламдан эшитганман: «Ота-она жаннат дарвозаларининг ўртасидадирлар. Агар хоҳласанг бу дарвозани йўқ қиласан ёки сақлаб қоласан». Киши ота-онасига ўзроҳат-фароғатидан кечиб бўлса-да яхшилик қилади, итоат этади. Ким баҳт-саодатни истаса, жаннатнинг дарвозаларини бузиб ташламасин. Энди ким Охиратини дунёсига алмаштиrsa ва ўткинчи ҳаётни афзал билса, у жаннат дарвозасини бузиб ташлайверсин. Юқоридаги ҳукмга кўра агар аёл яхши бўлса ҳам ота-она ундан ажралишга буюрсалар, фарзанд итоат қилиши шарт. Аммо аёли хулқи ёмон ва итоатсиз бўлса, уни талоқ қилиш мақсадга мувофиқ иш бўлади. Аллоҳдан кўрқадиган муслима эрини ота-онасига яхшилик қилишга ундейди. У мана шу ишда Аллоҳдан савоб умид қилади. Ота-онага яқин бўлиш, уларнинг хизматларини қилиш улкан бойлик ва чиройли хулқларданdir.

Мужоҳид айтадилар: Агар ота боласини ураман деб қўл кўтарса, бола отасининг қўлинни қайтармасин. Ким ота-онасига хўмрайиб қараса уларга яхшилик қилмабди. Ким уларга ғам келтирса, оқ бўлибди.

### **Азиз биродар!**

Ота-онага оқ бўлишдан эҳтиёт бўлинг. Росулуллоҳ саллолоҳу алайҳи ва саллам айтадилар: «*Уч нарса билан кишининг амаллари унга фойда бермайди. Аллоҳга*

*ширк келтириши, Ота-онага оқ бўлиши, урушидан қочиши*. Жаҳима розиёллоҳу анҳу Набий саллолоҳу алайҳи ва саллам ҳузурларига келиб:

- Эй Росулуллоҳ саллолоҳу алайҳи ва саллам. Мен жиҳод қилишни истаб, сиздан маслаҳат сўраб келдим-деб айтди:

- Онанг борми?- дедилар.

- Ҳа- деди.

- Онанг билан бирга бўл. Чунки жаннат унинг оёғи остидадир- деб айтдилар.

Бир киши Росулуллоҳ саллолоҳу алайҳи ва саллам ҳузурларига келиб деди: Эй Росулуллоҳ саллолоҳу алайҳи ва саллам, ҳижрат қилиш учун сизга байъат бергани келдим. Лекин ота-онамни йиғлаган ҳолда қолдирдим. Росулуллоҳ саллолоҳу алайҳи ва саллам айтдилар: «*қайтгин ва уларни қандай ииглатган бўлсанг, шундай қулдиргин*». Бошқа лафзда: «*Сен улар олдига қайтиб бориб ииглатганингдек қулдирмагунингча сендан байъат олмайман*».

Бишр ибн Хорис айтади: «Бола онасига ҳатто онаси унинг нафасини сезиб турадиган ҳолатда яқин бўлиши Аллоҳ азза ва жалла йўлида қиличи билан жиҳод қилишидан афзал. Отa-она хизмати ҳар қандай ишдан яхшидир. қатодадан ривоят қилинади. Бир кишининг онаси унга фақат фарз намозларини ўқи ва фақат Рамазон рўзасини тут деб қасам ичирди. Айтдилар: Онасига итоат қиласи! Чунки онага итоат қилиш нафл ибодатлардан муқаддам туради.

Хишом ибн Ҳассон айтди: Ҳасанга айтдим: Мен кечаси қуръондан таълим оламан. Онам кечқурунги овқатда мени кутиб қоладилар. Ҳасан айтдилар:

Кечқуунги овқатни онанг билан егин. Чунки онанг билан бирга бўлиб, хурсанд қилишинг сенга нафл ҳаж қилишингдан яхшидир: Ибн Умар розиёллоху анху онасини елкасида кўтариб Каъба атрофини тавоғ қилаётган кишини кўрдилар. У киши айтди: Эй Ибн Умар, мен онамнинг ҳаққини адо қилдимми? Ибн Умар айтдилар: «Туғиш азобларидан битта ҳаққини ҳам адо қилганинг йўқ. Лекин сен яхши иш қиляпсан. Аллоҳ камига ҳам кўп ажр-савоб беради.

**Азиз биродар:** Агар сизга бирор бир ёки икки кун яхшилик қилса, сиз уни мақтаб, яхшиликларини эслаб юрасиз. Ота-онангизга эса фақат итоатсизлик ва қўпол муомала билан жавоб берасиз. Сиз уларнинг инкор қилиб бўлмайдиган яхшиликлари эвазига нима қилдингиз?! Субҳаналлоҳ!!! қалб шунчалар қаттиқ, шунчалар яхшиликдан узоқми?!

### **Азиз биродар:**

Биз бирор фарзанд отаси ёки онасини йўқотганда касал бўлиб қолганини кўрмаганмиз? Ёкуб алайҳиссалом қиссаларини эсланг. Ўғиллари Юсуфдан айрилишлари уларга қандай таъсир қилди.

**«Ғам-алам ютавериб у зотнинг кўзлари оқарди.  
(Ожиз бўлиб қолди)».** («Юсуф» сураси, 84-оят).

Ота-онага оқ бўлишга уларни йифлатиш, хафа қилиш, узоқ вақтда бир зиёрат қилиш, саломатликлари ва моддий ҳолатларига эътибор бермаслик каби ишлар киради. Шунингдек болаларнинг Аллоҳга итоат қилмаслиги ва мункар ишларга берилиши ҳам киради. Чунки бу ишлар ота-онага ёмон таъсир қилади. Кўпинча фарзандлар кўзга кўринган мансабларга ва молу-дунёга эга бўлганларида шундай оқ-падарликни қиладилар.

Бир киши Росууллоҳ саллолоху алайҳи ва саллам хузурларига келиб деди:

- Ё Росууллоҳ саллолоху алайҳи ва саллам! Инсонлар ичида менинг чиройли муомаламга ким ҳақлироқ? Росууллоҳ саллолоху алайҳи ва саллам: «Онанг»- дедилар.

- Сүнг ким?

- «Онанг».

- Сүнг ким?

- «Онанг».

- Сүнг ким?

- «Отанг».

Ибн Баттол айтади: Она уч нарсада отадан фарқланиб, афзал туради: Болани қорнида құтариш қийинчилиги, түлғоқ азоби ва әмизиш маңаққати. Онанинг отадан муқаддам қўйилишида етук ҳикмат бор. Она ўзини боқадиган, яхшилик ва уни парвариш қиласидиган кишига муҳтождир. Чунки у заифа, касби йўқ, эътибор ва раҳм-шафқатга муҳтождир.

### **Муҳтарам биродар:**

Ота-она дунёдан ўтганларидан кейин уларнинг ҳақларига раҳмат ва мағфират сўраб дуо қилиш, васиятларини бажариш, шунингдек номларидан садақа қилиш ва қариндош-уруглари билан алоқа қилиш фазилатли ишлардандир. Бир ансорий Росууллоҳ саллолоху алайҳи ва салламдан сўради: Эй Росууллоҳ саллолоху алайҳи ва саллам мен ота-онамга улар бу дунёдан ўтиб кетганларидан кейин қандай яхшилик қилишим мумкин? Росууллоҳ саллолоху алайҳи ва саллам айтдилар: Тўрт хислат бор: Уларнинг ҳақларига дуо қилиш ҳамда истиффор сўраш, аҳдларини бажариш,

уларнинг дўстларини хурмат қилиш, ота-онанг яхшилик қиласидиган кишиларга яқинлик-қариндошлиқ қилиш. Мана шу ишлар сенга вафотларидан кейин ҳам улар учун қила оладиган яхшиликлардир.

### **Ёш биродарим:**

Сиз учун Аллоҳ тарафидан, етти қават осмон тепасидан, Аллоҳ азза ва жалла китобидан, Пайғамбари саллолоҳу алайҳи ва саллам суннатларидан васият:

- Ота-онангиз ёнингизда эканида, соч-соқоллари оқариб, беллари букилиб, кўл-оёқлари титраб, қийинчилик билан туриб, машаққат билан ўтириб, хасталиклар уларга кела бошлагандан сиз уларга хушмуомилада бўлинг. Улар учун молингиз ва кучингизни сарфлашда баҳиллик қилманг. Улар билан ҳаётингизни чиройли суратда ўтказинг.

Эй Аллоҳим менинг ва ота-онамнинг гуноҳларини кечиргин! Уларга биз тарафимиздан яхши мукофатлар бергин! Аллоҳим уларнинг даражаларини юқори қил. қадр қийматларини олий эт. Уларга биз тарафимиздан етган солиҳ амалларни гуноҳларини ўчирувчи ва даражаларини кўтарувчи қилгин. Аллоҳим уларга Пайғамбарлар, сиддиқлар ва шаҳидлар билан бирга Олий Фирдавсни ватан қил. Пайғамбарамиз Муҳаммад саллолоҳу алайҳи ва саллам ва оилалари ва саҳобаларига Аллоҳ азза ва жалланинг салоту саломи бўлсин!